

# Шерободда 600 гектарга яқин бўз ер майдонларини ўзлаштириш ишлар бошланди



Хусусан бугун, туманнинг Таллашқон массиви “Боғиобод” маҳалласида вилоят ҳокими ўринбосари, туман ҳокими ва сектор раҳбарлари, шунингдек, “ПОМИР АГРОКЛАСТЕР” масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси масъуллари иштирокида ҳудудидаги 558 гектар бўз ер майдонини ўзлаштириш бошлаб юборилди.

Ушбу қишлоқ хўжалиги ер майдонидаги бутазорларни тозалашда махсус техникалар ҳамда ишчи кучи жалб қилинган бўлиб, ушбу бошланган хайрли ишнинг баракали бўлишини ният қилиб жонлиқ сўйилиб, Қуръон тиловат қилинди.